



ЎЗБЕКСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 август, шанба №116 (948)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Р.Х.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида
 Рисбой Ҳайдарович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 11 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ж.Ф.Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида
 Жўра Фаниевич Йўлдошев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 11 август

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 август кuni Оқсарой қароргоҳида Япониянинг «Иточу корпорейшн» компанияси бошқаруви раиси Минору Муруфушини қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон-Япония муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлар экан, М.Муруфушининг юртимизга таширифи япон ишбилармонларининг ўзаро ҳамкорликини ривожлантиришга интилиши тобора ортаётганидан далолат эканини қайд этди.

«Иточу корпорейшн» кўп томонлама фаолият юритади. Қарийб бир ярим асрлик тарихга эга бу компанияга «Ме-рубени», «Мицуми», «Мицубиси», «Сумитомо» сингари улкан конгломератларгагина қиёс қилиш мумкин. Яқинда «Иточу корпорейшн» ўзининг Марказий Осиё мамла-

катлари билан шериклик алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган янги доктринасини ишлаб чиқди. Компания раҳбарининг минтақада юсак иқтисодий салоҳияти билан муҳим ўрин тугувчи Ўзбекистонга келишидан мақсад ана шу режаларни амалга ошириш имкониятларини бевосита ўрганишдан иборат.

Суҳбат чоғида «Иточу корпорейшн» билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ҳамкорликда амалга оширилажак янги қўшма лойиҳалар борасида батафсил фикр алмашилди. (ЎЗА).

Сирдарё вилоятида маҳаллий ёзувчилар, журналистлар, публицистлар ҳамда тасвирий санъат устаслари ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилган анъанавий «Энг улуг, энг азия» кўрик-танлови якунланди.

ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ

Танловда қатнашган 30 нафар ижодкор ўзларининг юздан ортиқ асарларини танлов ҳайъатига тақдим этди. Бу муаллифлик ишларида она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат, миллий гурур, инсоний қадриятлар, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган замондошларимиз қиёфаси акс эттирилган. Танлов якунига кўра ҳайъат аъзолари гулистонлик қаламкаш расом Абдували Нурхожиевнинг асарларини юқори баҳолаб, унга танловнинг бош соврини - 50 минг сўм пул мукофотини топширди. Иккинчи мукофот - 30 минг сўм пул - «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг муҳбири Рустамжон Содиқовга насиб этди. Уста кулол Ашурбек Мамасолиев фахрли учинчи ўринни эгаллаб, 20 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

ЯНАДА ХУШЁРРОҚ БЎЛАЙЛИК

Тинч ҳаётимизга яна таҳдид солинди. Мамлакатимизнинг жанубий чегараларини бузиб қирмоқчи бўлаётган бир гуруҳ террорчи халқимизнинг оқсоқиллари ҳаётга раҳна солишга уринмоқда. Бу халқимиз эришяётган ютуқларни кўролмаётган кучлар борлигини яна бир қарра аён этди. Террорчиларнинг бу ҳатти-ҳаракатлари бизни атрофимизда бўлаётган воқеаларга айрим экстремистик гуруҳларнинг фаолиятига бефарқ қарамасликка, улар амалга ошириши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш учун доимо хушёр бўлишга ундайди.

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида республикамиз ҳуқуқ-тартибот органлари, пойтахт фаоллари ва маҳаллалар раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилиш айнан шу масалага бағишланди.

Сурхондарёнинг Сарийосиё ва Узун туманларидаги тоғли қишлоқларга суқилиб қирмоқчи бўлаётган боқинчи гуруҳларнинг қирқилари бугун кўпчиликнинг тилида. Боқинчилар Афғонистондаги ҳарбий лагерларда махсус тайёргарликдан ўтганлиги ва уларга хориждаги айрим ташкилотлар маблағ ва қурол-яроғдан катта қўмақ бераётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистонда дунёвий демократик давлат қурилишини истамаётган, бу ердаги тинч ва барқарор ҳаётни қўра олмаётган кимсалар террорчилардан берган ёрдамнинг натижасини кутмиш табиий. Террорчиларнинг мамлакатимизга суқилиб киришига уриниши «хўжайнларни» қилган сарф-ҳаражатларни оқлашга қаратилган қонли тadbирлардан биридир. Аммо улар ҳар қанча уринмасин, халқимизни қўрқата олмайд, танлаган мустақиллик йўлидан қайтара олмайд.

бўлишга қақирдилар. Жамият ҳаётида маҳаллалар фаолигини ошириш, ёшларимизнинг тарбиясига тағин ҳам кенгроқ эътибор бериш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда пойтахтда оёсий ишталлини сақлаш учун ҳуқуқ-тартибот органлари билан аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Тартиб посбонлари жим тургани йўқ, албатта. Улар ўтказган тadbирлар натижасида сўнгги бир ой ичиде республикамизнинг конституциявий тазумининг ағдариш ниятида юрган юздан ортиқ одам қўлга олинди. Шунингдек, қидирувда юрган талай жиноятчилар ҳисобга тушди. Бундан ташқари, экстремистик руҳдаги варақлар тарқатиш билан шуғулланаётган фаолиятига ҳам чек қўйилди.

Куни кеча Москванинг Пушкин майдонида юз берган террорчилик ҳаракати ўзбекистонликларни ҳам бефарқ қолдирмаслиги керак. Зеро, бугунги кунда ўз қабиҳ мақсадлари йўлида ҳар қандай мудиш жиноятдан тап тормайдиغان экстремистик кучлар бугун дунёда хавфсизлик ва тинчликка таҳдид солмоқда. Бугун дунёнинг ҳеч қайси давлати террордан қалфоланмаган. Бундай гуруҳлар Ўзбекистонда ҳам оғир жиноятлар содир этиши мумкин. Шунинг учун йиғилишда гавму жойлар, жумладан, метрополитен, ерости ўтиш йўллари, бозор ва темирйўллари нazorат қилишни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Жамоатчилик транспортида хушёрликни ошириш, қолдириб кетилган шубҳали буюмлар тўғрисида дарҳол тегишли органларга хабар қилиш лозим.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА муҳбири.

ТОҒНИ ТЕРРОРЧИЛАРДАН ТОЗАЛАШ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

ЎЗУН. (ЎЗА махсус мухбирлари Мусулмон НАМОЗОВ ва Чори ТУХТАЕВ хабар қилади). Сурхондарё вилояти Сарийосиё ва Узун туманларининг баланд тоғ дараларида жойлашиб олишга уринган халқроқ террорчилар гуруҳларини тугатиш борасидаги операция якунловчи бошқичга кирди. Жангариларнинг қаршичилигига тўла барҳам берилмоқда. Республикаимизнинг барча ҳарбий тузилмалари вакилларидан иборат оператив гуруҳ хилват унгулар, горлар ва қуюқ арзворларда яшириниб олган кичик тўдалар ва яқка-ёлғиз террорчиларни топиш ва йўқ қилишга киришди. Террорчилар ўтиши мумкин бўлган барча сўқмоқлар ва доvonлар назорат постлари орқали ҳамда ҳаводан мунтазам кузатиб турилибди.

Сапёрлар террорчилар миналаштирган жойларни «ажал уруғи»дан тозаламоқда. Айни пайтда террорчиларнинг қолган-қутганлари яширинган жойлар ўққа тутилмоқда.

Ўтказилаётган операциялар натижаларини ҳисобга олиб ишонч билан айтиш мумкинки, боқинчиларнинг талофоти кундан кунга ошиб бормоқда. 11 август кuni жангариларнинг катта қурол-яроғ ва ўқ-дори омбори аскарларимиз томонидан кули қўкка совурилди.

Шундай қилиб, ҳарбийларимиз вазиятни тўла назорат қилиб турибдилар. Кўмондонлик ҳар бир операцияга жиддий тайёргарлик қўриб, усталик билан иш тўтаётгани учун тозалаш тadbирлари давомида қурбон беришнинг олди олинмоқда. Таъкидлаш керакки, тозалаш тadbирларига фақат шартнома асосида хизмат қилаётган аскар ва сержантлар, махсус тайёргарликдан ўтган малякали офицерлар жалб этилган. Уларнинг руҳи тетик, жанговар кайфияти юқори. Мамлакатимизнинг тинч ҳаётига дахл қилмоқчи бўлган террорчиларни тезроқ буткул йўқотиш ҳар бир ҳарбийнинг азму шижоатига айланган.

Республика Ҳарбий прокуратураси терговчилари боқинчилар кўним топомқчи бўлган жойда суриштирув ва тергов ишларини давом эттирмоқда. Жангарилардан тортиб олинган ва жанг майдонларидан топилган қурол-яроғ, ўқ-дори, дори-дармон, жаррохлик асбоблари, ҳужжатлар диққат билан ўрганиб чиқилмоқда. Топилган далилий ашёлар террорчиларнинг бу ерда узок мuddат ўрнашиб қолиш ниятида бўлганидан дарак бераётир. Ўлдирилган боқинчиларнинг жасадлари суд-тиббий экспертлари томонидан шахсини аниқлаш мақсадида ўрганиб чиқилмоқда.

Туманлардаги бозорлар, дўконлар, барча идора ва муассасалар одатдаги маромда ишлаб турибди. (ЎЗА).

ТАКЛИФЛАР УМУМЛАШТИРИЛДИ

Марказий банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармасида тadbиркорлар билан бевосита мулоқот бўлиб ўтди. Унда вилоят давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликини қўллаб-қувватлаш бошқармаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, «Без-несфанд» бошқармаси ва тижорат банклари раҳбарлари яқка тартибда тadbиркорлик билан шуғулланаётган шахслар, кичик қорхона, хусусий фирма, деҳқон ва фермер хўжалиқлари эгаларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Тadbиркор ва фермаларга мутахассислар томонидан тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Мулоқотда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид муаммолар таҳлил қилиниб, уларни ҳал қилишга оид таклифлар умумлаштирилди.

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ!

Кейинги вақтда хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизга яқин айрим минтақаларда инсон саломатлиги учун ўта хавфли куйдирги касаллиги тарқалаётганлиги ҳақидаги ташвишли хабарлар пайдо бўлди. Хусусан, 10 август кuni Россия Федерацияси телевидениеси «ВРЕМЯ» дастурида хабар қилинган маълумотларга кўра, сўнгги кунларда чегарадош Жанубий Козогистон, унинг маркази Чимкент шаҳри аҳолиси орасида мазкур юқумли касаллик тарқалиб, нохуш эпидемик вазият вужудга келган.

Биз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Давлат санитария назорати марказининг санитария бўлими мудир Р.Машариповдан куйдирги касаллиги, унинг республикамиз ҳудудига келиши хавфининг олдини олиш чора-tadbирлари тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

Куйдирги, бошқача айтганда, Сибир язваси касаллигини кўзгатувчи микроблар табиатда икки ҳолда, яъни таёқча ва спора шаклида учрайди. Ташқи муҳит омиллари таъсирига жуда чидамли бўлиб, тупроқда 20 йилдан кўпроқ сақланади. Шунинг учун ҳам бу касалликка аввало йirik ва майда шохли чорва моллари, яъни қорамол, қўй ва эчкилар, бундан ташқари туя, чўчка, ит, мушук ва ёввойи ҳайвонлар кўпроқ чалинади. Кемирувчилар турига кирувчи қаламуш, қумсичқон ва чивинлар ҳам бу касаллик манбаи ҳисобланади.

Кузатувлар шунини кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда куйдирги касаллиги одам организмга қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш жараёнида ўтади. Бунга Ўзбекистон Республикаси «Ветеринария инспекцияси тўғрисида»ги, «Давлат санитария

сисиз (тамғасисиз) соғишга йўл қўймаслик зарур. Барча гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш қорхоналарида, қушхоналарида, бозорларнинг гўшт-сут павильонларида, гўшт дўконларида санитария ва шахсий гигиена қоида ва меъёрларига қатъий риоя қилиниши даркор.

Маълумки, аҳолининг санитария маданияти ва гигиени билимлари йилдан-йилга ошмоқда. Бироқ, берухсат фаолият кўрсатаётган ошхоналар, кабобхоналар ва уйда тайёрланган таомларни сотиш ҳоллари ҳамон учирамоқда. Шунинг учун, айниқса гўшт ва сут маҳсулотларини харид қилишда уларнинг сифат гувоҳномаси (сертификати)ни талаб қилиш лозим. Бу маҳсулотлар албатта совутичларда сақланиши зарур. Уларни пиширишдан олдин яхшилаб ювиш, майдалаш, қовуриб ёки қайнатиб (каминада 1,5 соат давомида) таом пиширилиб истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқдир. Қорхоналарда, гўшт-сут павильонларида, гўшт дўконларида ва хонадон ошхоналарида эса барча идишлар ва техникалар жараён анжомлари доимий равишда ювилиб, 1-3 фозили хлорли модда билан дезинфекция қилиниши талаб этилади.

Ҳозирги вақтда бу борада санитария-эпидемиологик назоратни кучайтириш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳамма жойда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя қилиниши ташминлаш энг муҳим вазифалардан биридир. (ЎЗА).

Маънавиятимиз юлдузларидан бири Фитрат «Ватан саждагоҳимдир. Ватан — Қаъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир», деб ёзган эди. Бугун Ватан туйғуси ҳар биримиз учун саждагоҳдек мўътабар ва азиз бўлмоғи керак. Биз ҳур диёримизни семвомки доно боболаримиздан ўрганимоғимиз, унинг шаъну шавқатини ҳимоя этмоқчи фарзандларимизга мерос қилиб қолдирмоғимиз керак.

АДОЛАТ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАГАЙ

Асқар ҲУСАНОВ — уруш ва меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри, Қорасув даҳаси;

ким эдик? Кимнинг эътиқоди, иймони билан яшарди. Инсонийлик шаънимиз, миллий гуруримиз, қадриятларимиз камситилган дамлар ёдингиздами? Уша дамларда бизни эътироф этганлар бормиди? Эҳ-ҳе, у кунлар шундай дамлар эдик, тилларимиз кулфда, бўйнимизда эса қулликнинг олтин занжирлари ялтираб осилиб турарди. Мустақиллик шарофати ила одамларимизнинг дунёқароши ўзгарди, гурур, орият, шаън, номус туйғуси кучайди, эгаллик ва масъулият туйғуси ҳаётимизга мазмун бағишлади. Лекин мамлакатимиз эришяётган ютуқлар, ким-

ларнингдир гашини келтирмоқда. Фаним фаним-да тирноқ орасидан кир қидириб, ёшларимизни чалғитишга, уринмоқдалар. Душманларимизнинг мақсади аниқ: диёримиздаги оёсийшталлик ва тинчликни беқарорлаштириш, халқни йўлдан оздиришдир. Аммо халқ бугун ўзлик таниди. Оқ-қорани,

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Очк эътироф этганда тadbиркорлик билан машгул бўлган фуқароларнинг кўпчилиги афсуски ҳалигача Пенсия жамғармаси имкониятларини тўлиқ тушуниб етганларича йўқ. Муҳбиримиз Навоий вилоят Пенсия жамғармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Х.Мусурмонов билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Чинданам ҳамма ҳам Пенсия жамғармасининг фаолияти нималардан иборат, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда йўналиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас.

— Гапингизда жон бор. Тадбиркорлик билан шуғулланганлар кўпчилиги ташкил этади. Бу яхши албатта. Лекин улар эртанги кунлари ҳақида ҳам бош қотирсалар яхши бўларди. Негаки, ҳар бир фуқаро ижтимоий ҳимоядан баҳраманд бўлиши керак Конституцияимизнинг 39-моддасида ҳам «Ҳар ким қариганда, меҳнатга лаъқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга», — деб таъкидлаб ўтилган.

Фуқароларнинг пенсия ва нафақага бўлган ҳуқуқларини тўлиқ рўйбга чиқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил декабрда ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида «Пенсия жамғармаси» ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсия ва нафақалар тўлаш ҳаражатларининг манбалари этиб иш берувчи ва фуқаролар томонидан тўланадиган сум-

га оширилади. Лекин бир нарсани жуда афсус билан айтмоқчиманки, аксарият ҳолларда тadbиркорларимиз ҳамма ишни битириб, суғурта бадалини бир ёки икки

3326 тadbиркорнинг 1942 таси жамғармадан рўйхатдан ўтган, холос...
— **Тadbиркор ва деҳқон ҳўжалиги аъзоларига пенсия, нафақа тўлаш қандай амалга оширилади?**

ги инобатга олинади ва шундан келиб чиққан ҳолда, унинг миқдори белгиланади.

— **Жамғармадан рўйхатдан ўтган тadbиркорлар ва деҳқон ҳўжаликлари аъзоларининг меҳнат стажларини ҳисоблаш ва меҳнат дафтarchасини юритиш масаласи ҳам кўпчилигини қизиқтиради.**

— Агар тadbиркорнинг меҳнат дафтarchаси бўлмаса янғиси очилади ва жамғармага топширилади. Уриндошлик бўйича тadbиркорлик билан шуғулланувчилар эса асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этишлари лозим.

Тadbиркор суғурта бадаллари тўлаган давр унинг меҳнат стажига қўйилади. Меҳнат дафтarchаси у рўйхатдан ўтган жойдаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида сақланади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид фармон қонун ва қарорларнинг моҳиятини тadbиркорларга етказишда ҳали мутасадди идоралар билан келишилган ҳолда иш олиб борилмапти. Бу борада бизга солиқ идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар ёрдам беришлари зарур. Тўғри, вилоятимизнинг Хатирчи, Қизилтепа, Навоий ва Навоихор туманларида ишлар анча жонланади. Тумди ва Қонимех туманларида эса бунинг акси бўлаяпти.

Исроил ХОЛБОВЕВ, журналист.

Газетхон илтимосига кўра

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

у қандай имкониятга эга

гурта бадаллари ва бошқа мажбурий ажратмалар белгиланган. Бу маблағлар фуқаролар пенсия ёшига етганда, ногиронлик ва меҳнат қобилиятини йўқотганларида уларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарилади.

Жамғарманинг асосий мақсади, ижтимоий суғурта бўйича пенсия ва нафақаларни белгиланган миқдорларда тўлаш ҳаражатларини маблағ билан таъминлаш, улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш ва ҳоказо.

— **Тadbиркорнинг жамғармадан рўйхатдан ўтиш тартиби ҳақида ҳам тушунча бериб ўтсангиз.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 47-сонли қарорига асосан тadbиркор яшаш жойидаги ҳокимликдан рўйхатдан ўтгандан кейин суғурта бадаллари тўловчи сифатида Пенсия жамғармасининг бўлиmlаридан рўйхатдан ўтиши шарт. Бу унинг шахсий аризаси асосида амал-

ойга тўлашади-ю, кейин жим бўлиб кетишади. Йил давомида тўлашни ўзларига эп кўришмайди. Ахир бу қонунбузарликнинг бир кўриниши эмасми?

Биз бундай ҳолларда дарҳол ҳокимликларга суғурта бадалини тўламаган тadbиркорларга чора кўришни сўраб хат билан чиқамиз. Афсуски, уларнинг кўпчилиги эътиборсиз қолиб кетмоқда.

— **Суғурта бадалини тўлашда тadbиркор нималарга эътибор қилиши керак?**

— Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадаллари ойнинг саккизинчи кунидан кечикмай тўлашни шарт. Бадаллар нақд пул ёки пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Тўланадиган бадал энг кам иш ҳақи ҳажимдан кам бўлмаслиги лозим.

Бугунги кунда ҳокимликдан рўйхатдан ўтган

— Пенсиялар (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик) тadbиркорнинг аризасига асосан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади. Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тadbиркорни ижтимоий суғурта бўйича бадал тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказган пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими томонидан тайинланади.

Уларнинг миқдорлари кўйидагича: бола туғилганда энг кам иш ҳақининг икки баравари, икки ёшга етгунга қадар эса маҳалла бюджети ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдоридан ва дафт маросими учун эса энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан нафақа тайинланади.

Албатта, бунда суғурта бадалларини мунтазам равишда тўлаб келинганли-



Олот тумани хотин-қизлар кўмитаси ходими Гулноз Бахромова тadbиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг ташаббуси билан «Баҳром» хусусий фирмаси ташкил қилинди. Фирмада болалар ва катталар кийим-кечақлари тайёрланмоқда. 10 нафар чевар ишлаб чиқараётган зардўзлик маҳ-

сулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.
Суратда: (ўртада) фирма раҳбари Гулноз Баҳромова тукиучи қизлар Карима Худойназарова, Нафосат Остонова ва Сайёра Рўзиевалар билан.

С.СУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шундай одамлар бор бўлсин

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Зафаробод туман кўмитасига туғма ногирон Ражабгул Фармонова имзоси билан шикоят хати келди. Унда муаллиф 5 йилдан буюн нафақа олишини, бунинг учун ҳар йили тиббий кўрикдан ўтишга мажбурлиги, шундан сўнг ҳужжат янгилашини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилавий шароити ночорлиги, нафақани доимий қилиб олишга ёрдам беришни сўрайди.

Кўмита раиси Матлуба Ҳакимова ушбу мактуб мазмуни билан танишгач, дарҳол ёрдамга шошилди. Туманларо тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясига учрашиб, туғма ногиронлик нафақасини доимий қилиб беришга эришди. Аниқланишича, шифокорларнинг лоқайдлиги бунга сабаб бўлган.

Унинг номига бундай мурожаатлар тез-тез келиб туради. «Тинчлик» ижара-ширкатлар бирлашмаси бош мисироби М.Махамбетов, «Бирлик» қишлоқ фуқаролар йиғини техник ходими Н.Мустафоқулловлар туман кўмитаси аралашувидан сўнг ўз иш жойларида қолишган бўлса, Зафаробод тумани МТП ходими У.Турсуновага 18 минг 264 сўм иш ҳақи ундириб берилди. Й.Охунбоев номи жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи М.Нормуродовага берилган томорқа

ноқонуний олиб қўйилгани учун эгасига қайтарилди.
Ҳа, М.Ҳакимова туман касабаси уюшма кўмитасига 16 йилдан буюн раислик фаолияти давомида меҳнат кинисининг ҳар бир мурожаатига ҳаммиша сезгир ва талабчанлик билан ёндошади. Шундан бўлса керак, опага туманда барча ўзига ишонганидек ишонади, эъозлайди.

Ўтган йили кўмитага 49 та ёзма ва оғзаки мурожаат тушган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 33 та мурожаат бўлди. Уларнинг барчаси назоратга олиниб, асосий қисми ҳал этилди.
Туман кўмитасида бўлганимизда Матлуба опанинг иш кабинетига 1 гуруҳ ногирони Шарофат Шарипова қарамогига олган қизи — 7-синф ўқувчиси Дилфуза билан кириб келди. Раиса опа ҳол-аҳвол сўрашгач, пайтдан фойдаланиб, ҳалиги қизчага «Жилгача» оромгоҳида дам олиш учун йўлланма тутқазди. Фуқаро Ш.Шарипованинг мурожаати ҳам бирпасда ҳал этилди. Унинг ҳар бир иш кунини одамларни қабул қилишдан бошланади. Демак, кунига ўнлаб фуқаролар арзлари ижобат бўлиб, опанинг жонбозлигидан қалблар малҳам топяпти.

А. АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Меҳру оқибат

НОГИРОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Сўнги йилларда касабаси уюшмаларининг роли сезиларли даражада ошди. Раҳбар нима деса шуни бажариб кетаверадиган, кун бўйи хонадан чиқмай ўтирадиган касабакўм раиси бугунги кунда бутунлай ўзгарди: энди у меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, раҳбар нотўғри йўл тутган бўлса, баҳслаша оладиган, аъзолари манфаатларига хизмат қиладиган шахсга айланди.

Масалан, тумандаги «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги ишчиси ўрол Фозилов хизмат пайтида жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолди. Лекин III гуруҳ ногирони бўлган бу фуқаро арзмаган нафақа пули оларди. Нафақаси оширилишини сўраб, жамоа ҳўжалиги маъмуриятига, туман ижтимоий таъминот бўлимига бир неча бор мурожаат қилди, фойдаси бўлмади. Ахирги, туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасига борди. Ў.Фозиловнинг шикоят хати ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал қилинди. Касабаси уюшмасининг аралашувидан сўнг унга белгиланган нафақа миқдори бир неча баробарга ортди.

«Пахтачи» жамоа ҳўжалигида ишлаган Тўлған Сариев бахтсиз ҳодиса сабабли иш жойида бир қўлидан ажралди. Бир неча йил ўтган бўлса-да, нафақа ҳўжатларини расмийлаштиролмаётган эди. Бу ерда ҳам туман касабаси уюшма кўмитаси ёрдамга келди. Т.Сариевга II гуруҳ ногиронлиги берилди ва нафақа пули тайинланди.

Бундай мисолларни кўпайиб келтиришимиз мумкин. 96 минг аҳоли истиқомат қиладиган туманда агросаноат мажмуи кўмитаси 32 та бошланғич касабаси уюшмаси бор. Унга 13 миңдан зиёд меҳнаткашлар аъзо бўлиб кирган. Кўмита раиси Тиллабек Қодирбековнинг таъкидлашича, касабаси уюшмаларининг ролини ошириш учун кейинги йилларда сезиларли ишлар қилинган. Энг аввало кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Касабакўм етакчилигига ёш, гайратли ва билимлилар сайланмоқда. Охириги ҳисобот-саноат йиғилишида 14 та касабакўм етакчилари алмаштирилди. Уларнинг ўрнига муносиблари қўйилди. Сапар Мералиев, Қанибек Қолдиевлар бугунги кунда энг ёш етакчилар

бўлса, ўринбой Назаров, Ҳидоят Жалолова, Шомурод Бергимбетов, Шерқўзи Исламбаев тармоқнинг тажрибали раисларидан ҳисобланадилар.

Яхши ишлаган одам яхши яшайди. Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш каби масалалар ҳам уюшманинг диққат-марказида турган бош вазифалардан биридир.

Шу йилнинг ўтган етти ойи давомида биргина спорт ва маданий тadbирлар учун салкам 500 минг сўм маблағ сарфланди. Ёзги таътил даврида оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 200 га яқин фарзандлари дам олиши ташкил этилди. Бу мақсадга 210 минг сўм ажратилди. Ишлаб чиқариш илгорларини рағбатлантириш учун 119 минг сўмга яқин маблағ сарфланган бўлса, 249 минг сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. Вилоятимизнинг санаторий-профилаторийларига 740 минг сўмлик йўлланма ажратилди. Касабаси уюшмаларнинг ҳўжалигида ишлаб, туман иқтисодиётига ҳисса қўшганларни нафақа қузатиш маросимини ўтказиш ҳам анъанасига айланган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоиз, туман галлакорлари бу йил давлатга галла сотиш режасини вилоятда биринчилардан бўлиб ўтказди. Ҳосил қисқа фурсатда саранжомлаб олинди. Эришилган бу меҳнат ютуғида, албатта, жойлардаги касабаси уюшма кўмиталарининг ҳам ҳиссалари бор. Мавсум давомида комбайнчилар, дон ташувчи транспорт ҳайдовчилари, илгор бригадалар касабаси уюшмалари кўмиталари томонидан ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди.

Хулоса қилиб айтганда, туман касабаси уюшма тармоқ кўмитаси ўз фаолиятини янгилаётган иқтисодий талабларга мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоясига сифатида ўзининг дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилмоқда.

Саиджон МУСТАФОЕВ, Дониёр КАМОЛ, Қуйи Чирчиқ тумани.

МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ

Юқоричирчиқ туманидаги «Йиқ ота» жамоа ҳўжалигида Ўзбекистонда болалар ногиронлиги муаммолари ва уларни тиббий-ижтимоий уқлашнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ҳам «Мафтункор ранглар дунёси» деб номланган фестивал ўтказилди.

Тadbирда сўзга чиққан Корея республикаси Фарбий-Шарқий тиббиёт илмий жамияти президенти, Юнсей Университети реабилитация госпитали директори, профессор Сае Ил Чун жумладан шундай деди:

— Меҳру оқибату раҳм-шафқат ҳақида кўп гапирар-

миз. Лекин теварак-атрофингизга бир назар ташланг. Орамизда турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолган юзлаб болалар, инсонлар бор. Улар ҳар кунини, ҳар дақиқа бизнинг таълимимизга, ҳимоямизга муҳтож. Дунёда ёрдамга муҳтож инсонларни, аниқса ногирон болаларни ҳимояга олиш, улар кўнглини обод этишдан улуғроқ савоб иш ҳисобланади.

Ўзбекистонда бешинчи бор ўтказилаётган ушбу семинар халқор микёсда ўз нуфузига эга бўлмоқда. Уни ҳар йили ташкил қилиниши ва мазмуни ўтказилиши борасида ўз ёрдамини аямангизга ҳам қўйиб берган бўларди.

ётган Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Шунингдек, учрашувда сўзга чиққан мамлакат Ижтимоий-таъминот вазирининг биринчи ўринбосари О.Абдуллоева, «Соғлом авлод учун» халқор жамғармаси раиси О.Мусурмонова, Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси С.Убайдуллаевлар ҳам анжуманинг аҳамияти ва республикамизда «Соғлом авлод йили» дастури бўйича олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердилар.

Бозор талаби қатъий. Ҳар бир жамоада кунини қатор муаммоларни ҳал этиш, омилкорлик, қатъиятлик кўрсатишга тўғри келади. Бунинг учун раҳбар мутахассисларда билим, тажриба, ташкилотчилик етарли бўлишидан ташқари, улар адолат йўлини қатъий туттишлари лозим. Жойларда ҳуқуқий саводхонликка алоҳида эътибор берилаётганлиги, тарғибот-таъбиёт ишлари жонланаётганлиги ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ишчи ва хизматчилар ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланганлигини қалбдан ҳис этиб, камчиликларга нисбатан муросасиз курашишмоқда. Маъмурият олдида қатъий талаблар қўйишмоқда.

Бахтга қарши оз бўлса-да, шундай раҳбарлар ҳам борки, улар ҳамон «меники тўғри» қабилида иш юритмоқдалар. Оқибатда қонунни четлаб ўтишга, ноқонуний буйруқлар қабул қилинишига сабабчи бўлмоқдалар. Шу боис, тармоқ касабаси уюшма кўмитамизга идора, корхона, ташкилот етакчилари етказётган маънавий, иқтисодий зарарни қонуний асосда ҳал қилиб беришни сўраб мурожаат қилишяпти.

Шу ўринда мисол келтирсак. Барно Файзуллоева Деновдаги «Вино-ароқ» хиссадорлик жамиятида бинойидек ишлаб юрарди. Унинг қайси бир фазилати раҳбарга ёқмади-ю, ишчи розилиги олинмай, у бошқа ишга ўтказилди. Бу Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига зид бўлса-да, раис бунга парво қилмади. Ҳузурига адолат қилишни сўраб келган ишчи арз-додиди-

ни тингламади. Шундан кейин Б.Файзуллоева икки йил идорама-идора сарсон бўлиб юрди. Қатъиятчи, иродали аёлнинг адолатни тиклаш йўлида чеккан машаққатлари охири-оқибат ўз самарасини берди. Касабаси уюшма аралашувидан сўнг ўз ўрнига қайта

дига масалани кўндаланг қўйди. Ҳақ-ҳуқуқини қатъий туриб ҳимоялади. Тез орада у ҳам вазифасига қайта тикланди.

Касабаси уюшма кўмитамиз иш ҳақини вақтида ололмай юрган кишилар мушкулани осон этиш учун қатъий ҳаракат қилмоқда. Мутахассисларимиз меҳнат жамоаларида бўлиб, камчиликларнинг сабабларини ётиги билан тушунтирмоқдалар. Муаммолар жойида ҳал этишга эришилмоқда. Ишчи-хизматчилар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган семинарлар, савол-жавобларнинг ҳам аҳамияти катта бўлаяпти.

Н.ШАМСУДИНОВ, Сурхондарё вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси вазифини бажарувчи.

РАҲБАР ҚОНУННИ БУЗСА...

Кумкўрғон туманидаги «Сайхон» жамоа ҳўжалиги ҳудудида жойлашган касб-хунар коллежи директори ҳам манманликка бориб, омборчи Тожи Райимқуловни бошқа ишга ўтказди. Лекин Т.Райимқулов бўш келмади. Қонунни яхши билганлиги асқотди, у тегишли идоралар ол-

ИБРАТ ОЛСА АРСИЙДИ

Нишон тумани Агро-иқтисодиёт коллежи жамоаси ибрат бўларли ишларни амалга ошираяпти. Бу ерда «Халқ ҳўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш», «Менежмент», «Молия ва кредит», «Аудиторлик хизмати», «Ветеринария», «Ҳўжалик ҳуқуқи» сингари таълим тармоқларида 925 нафар талаба билим олмоқда. Уларга 36 нафар олий маълумотли мутахассис чукур билим бермоқда.

Коллеждаги 200 ўринли шинам ётоқхона, 110 ўринли ошхона, қишки клуб, спорт майдончалари ҳаммиша талабалар учун очик. Ўқув хоналари ва лабораториялар замон талаблари даражасида жиҳозланган, компьютер хоналари, кутубхона талабалар билан гавжум.

— Бўш вақтларимиз мазмунили ўтади. Фан тўғрақлари, спорт секциялари, маданий-маиший шароитлар яхшиланиб бормоқда. Тез-тез илмий кечалар ўтказамиз, қизиқарли кўрик танловлар ташкил қиламиз — дейди талабалар биз билан суҳбатда.

— Коллеж ўқув ишлаб чиқариш ҳўжалигида 130,4 гектар ер майдонимиз бор. Унда пахта, галла, сабзавот, полиз экинлари ҳамда боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилади. 22 бош қорамол парварий қилинади. Белгиланган режаларимиз доимо бажарилади. Барчаси мана шу талабалар, ўқитувчиларимиз меҳнати самарасидир, дея қўшимча қилади коллеж директори О.Асадов.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

20 август - 20 август

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 14

«Ўзбекистон» телеканали Телестомашбонлар лигага...

Болаларнинг ёзи тили кулларида: 15.00 «Олтин тож»...

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр тонги». 10.00 Курсатувлар дастури...

«Тошкент» телеканали

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 «21.00.22.30.00.05 «Пойтахт»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

СЕШАНБА, 15

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Олтин мерос»...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

ЧОРШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

14.45 «Дилбарим». 15.05 «Мусликий лаҳзалар»...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

ПАЙШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

18.35 «Парламент вақти». 18.55 ТВ-маркет.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

ЖУМА, 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

8.35 ТВ-маркет. 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

ШАНБА, 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

18.40 «Экспресс» телегазетаси. 19.00 «Табриклиймиз, кўтлай-миз»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

КҲШАНБА, 20

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

иштирокида концерт дастури. 20.00 «Время»...

«Халқаро» телеканал


РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ...



1991-2000 ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўз иштиқлол ва тараққиёт йўли бор

БАХТИМИЗДАН НИШОНА

Мустақиллик келган кундан юртимда шодиёна, Меҳнатдаги ғаримиз энг м'носив тўёна.

Табрик, олқиш ёғилмоқда узоқ-яқин эллардан, Байрам қилсак ярашади, яхшиланди замона.

Ҳасад қилса душманимиз, ҳавас қилмоқда дўстлар, Олам аро бўлиб қолди ватанимиз ягона.

Кириб олдиқ нурга тўла истиқлолнинг йўлига, Тўра, байрам, тантанамиз бахтимиздан нишона.

МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛ

Хур озод ватанимда ризқимиз бўлмоқда мўл, Унга чирой бахш этган экинзор, бог, дарё, кўл.

Халқнинг меҳнати билан ҳар соҳада юксалиш, Бўстонга айланмоқда қанча-қанча саҳро, чўл.

Ҳар ким билган касбидан барака толгани рост, Яшашда камчилик йўқ, иззатдамиз, қўлма-қўл.

Ўзбекистон довруги дунё бўлиб таралди, Тўра, бекиёс юртга энг муносиб фарзанд бўл

АРМОНИМ ЙЎҚ

Тогларнинг усти оппоқ, сувга тўла наҳримиз, Чирой топмоқда, дўстлар, овул, қишлоқ, шахримиз.

Ишларга садоқатдан ҳар томон тароватли, Хийбонларга боқсак, очилади бахримиз.

Мустақиллик туфайли эришдик орзуларга, Кувонч шуки, эркинимиз, сўз айтарга ҳақлимиз.

Кундан кун яхшироқдир, қандинги ур, эй Тўра, Қалбимизда армон йўқ, шу сабаб ардоқлимиз.

Тўра ЖУМАН.

Тож талабгорлари

БОГОЛЮБОВ

Унинг энг катта орзуси жаҳон чемпиони бўлиш эди. Бунинг учун ҳаммаси у ҳамма нарсани қилди: фаолиятининг бошланишида назария устида тинимсиз ишлади. Кўплаб турнирларда ўйнади, сеанслар берди. Жаҳон биринчилиги учун Алёхин билан икки марта матч ўйнади, бироқ иккаласида ҳам мағлубиятга учради.

20 йилларда ва 30 йилларнинг биринчи ярмида шахматчилар даврасида Ефим Боголюбовнинг номи тез-тез тилга олина бошланди. Унинг истеъдодини ҳамма тан олди. Кўлга киритган натижаларидаги таажубланарли фактлар, аниқроғи кучли турнирлардаги юқори ва аксинча кучсиз турнирлардаги паст ўринлар, ҳужумкор услуб ҳамда муросасизлик Боголюбовни ўзига хос романтик шухратга кўмди.

1928 йил. Боголюбов Эйвени икки бор матчда енгди. Бир неча йил олдин у Москвадаги халқаро турнирда Ласкер ва Капабланкадан ўзиб, ажойиб ғалабага эришган эди. Кейин Берлин, Гамбург, Киссенгенда биринчи ўринларни эгаллади.

Алёхин ҳам табиийки, унинг чакиригини қабул қилди. Матч 1929 йилда Германия ва Голландиянинг турли шаҳарларида 30 партиядо ким кўп очко олиш шарт билан ўтди. Ҳа, шартга кўра голиб 15 1/2 очко олиши керак эди. Кизгин баҳслардан сўнг чемпион осонгина унвонини сақлаб қолган бўлса-да рақибига юксак баҳо берди: «Боголюбовни буюк шахмат романтиги, фантазия кучи жиҳатидан уни мендан устун туради, деб ҳисоблашади. Иккинчи томондан тактикавий мақсадларни аниқ амалга ошириш борасида мени ундан устун



«Чирчиққишлоқ-маш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Дўстлик» болалар оромгоҳи Тошкент вилоятининг энг сўлим, ҳушманзара гўшасида жойлашган. Бу ерда болаларнинг мириқиб дам олиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



БУ ҚИЗИҚ

Комбоджанинг шаҳзода «Сеҳрли ўрмон» фильмининг сценарий муаллифи ва оператори бўлиб, эркаклардан асосий ролни ҳам ўзи ижро этган. Фильм кўриги Парижда ва Москвада бўлиб ўтди.

Картинадаги аёллардан бош роллари шаҳзоданинг рафиқаси ва кизи ижро этишган. Бу экран асарни кенг оммалашиб кетган.

Бирмалик дур изловчилар катталиги гугурт кутисининг ярмича, оғирлиги эса 36,75 граммлик дур топишди. У дунёда энг йирик дур бўлиб, шу вақтгача бу нақаси топилмаган эди.

«Сидней-2000»

Маълумки, асримизнинг сўнгги олимпиада ўйинларида беш нафар полвонларимиз юнон-рум кураши ва олти нафар эркин курашчимиз Ўзбекистон аталмиш юрт номидан майдонга тушадилар. Улар шу вақтга қадар «Ўзбекистон мустақиллиги» кубоги беллашувлари, Жанубий Корея ва Хитойда бўлиб ўтган китъа чемпионатлари ҳамда Туркияда ўтказилган халқаро турнирда иштирок этишди.

ЮРТГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТАМИЗ

Сўнгги тайёргарлик босқичи Маҳачқалъада кечди. 2-5 июн кунлари ўтказилган эркин кураш мусобақаларида 69 килограммгача вазнда Игорь Купеев, 76 килограммгача вазнда Руслан Хинчагов бош совринни кўлга киритишди.

Юнон-рум кураши усталиримиз эса охириги машгулотлари Дукентда ўтказишди. Энди эса улар Москвада бўлиб ўтадиган Иван Поддубний хотира турнирида синовдан ўтишади.

Мавзудан бир оз четга чиққан ҳолда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, биз ўринбосарлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, Франциянинг Нант шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашган вакилларимиздан Дилшод Мансуров олтин, Маҳаммадмурод Мадаминов кумуш, Юрий Витт бронза нишонларини кўлга киритди.

Айни кунларда келгуси йили пойтахтимизда 17-20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашган ҳозирлик кўрмоқдамиз. Шу мақсадда Россиянинг Красноярск шаҳрида ўтказиладиган

Шу мақсадда Россиядан спортчилар терапияси, руҳий тайёргарлиги бўйича йирик мутахассис, фазоғирларни қосмосга учир бўйича тайёрлашда қатнашган академик Борис Светскийни таклиф этдик. У ҳозир терма жа-

иштирок этишган. Демак, уларда тажриба бор, маҳорат эса ўтган йилларда анча ортди. Иккинчидан, биз Сидней об-ҳавоси, шароитлар билан ташидик. Гарчи Австралия ва Ўзбекистон ўртасида беш соатлик вақт «белбоғи» бўлса-да, сентябр ойи табиати, ҳавоси бизники билан деярли бир хил эканлигини кузатдик. Спортда бахслар бошланишини кутариб, руҳий жиҳатдан «синиш» ҳолатлари бўлади. Чунончи, биз Атланта олимпиадасига мусобақалар бошланишидан 20 кун олдин боргандик ва бизнинг жамоамизда ҳам шу ҳол рўй берганди. Бу гал ушбу ҳатолардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда олимпиадага вақтли боришининг фойдаси йўқлигига ишонч ҳосил қилдик. Албатта, кўрраи заминнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланмиш олимпиада беллашувларида ғалаба қозониш осон иш эмас. Шунга қарамадан эркин курашда Аҳмад Очилов, Рамил Исломов, Дамир Захардинов, Руслан Хинчагов, юнон-рум курашида Дилшод Орипов, Баҳодир Курбоновларнинг юқори ўринларни эгаллашлари учун имкониятлар катта. Бинобарин, пухта тайёргарлик кўрган курашчиларимиз бу гал олимпиададан ёруғ юз билан қайтишди деган умиддамиз.

Ахрор РЎЗИЕВ, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси президенти, хизмат кўрсатган мураббий.

ЎЗБЕК МУАЙ-ТАЙЧИЛАРИ УЧИНЧИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 50 дан ортиқ мамлакат спортчилари иштирокида ўтказилган Муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида олти нафар вақилимиз қатнашиб, 1 та олтин, 1 та кумуш, 3 та бронза медалларни кўлга киритиш шарафига муяссар бўлишди. Ушбу натижа, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоасига Франция ва Таиланддан кейинги учинчи ўринни банд этишига имкон берди.

— Терма жамоамиз бу йил учинчи марта Бангкоқдаги жаҳон чемпионатида қатнашди. Аввалги чемпионатларда ҳам жамоамиз учинчи ўринни эгаллашган эди. Бу галги чемпионатда вақилларимиз «А» таснифига кирувчи кучли жамоалар баҳсида қатнашди. Ушбу гуруҳда беллашувлар муросасиз кечганини муайтай ватани соҳиблари таиландликлар ҳам иккинчи ўрин билан кифояланганликларидан билиш мумкин, - деди терма жамоамиз бошлиғи Замирбек Қосимбеков «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Барча рақиблирини муддатдан илгари мағлуб этган Нуриддин Хўжаёров олтин медал билан тақдирланди. Фуркат Муслимов эса шохсупанинг иккинчи погонасини банд этди. Муай-тай оламида қисқа фурсатда кучли уқликча кирган ўзбек муай-тайчилари бундан юқори натижаларни кўлга киритиш имкониятига эга эди. Афсуски, катта умид билдирилган, халқаро майдонда машғур бўлган Эркин Қўтибоев ва Дибёр Пулатовлар ўларнинг нималарга қодирлигини тўла намойиш этишолмади. Улар учинчи ўрин билан чекланишди.

Шунингдек, Камолдин Юсупов ҳам бронза медал эгаси бўлди. Учта жаҳон чемпионатида вақилларимиз натижалар бўйича таиландликлар билан дуранга эришмоқда. Рингда вақилар ҳар хиллиги сабаб французлар билан рўбарў келиш насиб этмапти. Шу боис, чемпионатдан сўнг, Ўзбекистон терма жамоасини ўзларига муносиб рақиб санаётган Франция терма жамоаси вақиллари ўртоқлик учрашуви ўтказиш таклифи билан чиқишди. Булажак ўртоқлик учрашуви куз ойларида пойтахтимизда ёки Парижда ўтказилиши мўлжалланаётир.

«Туркистон-пресс».

Бугун Наманган вилоятида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратишмоқда. Мамлакатимиз талаба ёшлари ўртасидаги университетларда мусобақаларнинг айнан Наманганда ўтказилиши эса вилоят спорт тараққиётининг эътирофи бўлди. Энг муҳими, соғлом авлод раванки йўлида амалга ошириляётган сазй-ҳаракатлар аввало қорхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўз навбатида муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис хатто ҳорихлик механизмларнинг юксак эътирофига сабаб бўлган «Пахлавон», «Алломиш» каби ўнлаб спорт жанрлари, теннис кортлари, ўйингоҳлар эзгу мақсад йўлига хизмат қилмоқда.

Айниқса, вилоятда сўнгги йилларда катта теннис нуфузи кун сайини ошиб борапти. Замоноавий «Дўстлик» теннис мажмуида бўлиб ўтган «Фьючерс», «Челленжер» халқаро турнирларини эса бу йўналишдаги интилишлар самараси деб баҳоламоқ керак.

Яқинда наманганликлар яна бир қизиқарли теннис мусобақасининг гувоҳи бўлидилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар-

лаб берди. Ҳаваскор теннисчилар ўртасида яхши танилган Поп тумани ҳокими Зоҳиджон Абдуллоев моҳирлигини кўрсатди. У рақиблирини мағлубиятга учратиб, финалга йўланма олди. Финалнинг иккинчи йўланмасини эса «Намангансавдо» ҳиссадорлик компанияси раиси Аҳмаджон Зиётов қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун бўлган ўйинда Давлатобод туманидаги «Кўкат бозори» директорининг ўринбосари Л.Маҳмудов «Саноат-куридиш» банки Наманган минтақавий филиали бошлиғи Ю.Иномовлар беллашдилар. Л.Маҳмудов учинчи ўрин соҳиб бўлди.

Турнир якунидан сўнг кўп ўтмай Наманган шаҳар марказий болалар шифохонаси ҳовлисида куй-қўшиқ янгради. «Намангансавдо» ҳиссадорлик компанияси раиси Аҳмаджон Зиётов вилоят ҳокими кубоги турнири бош соврини - «Тико» автомобиллини ушбу шифо масканига тўхфа этди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

МУСОБАҚА ГОЛИБИ

бош соврин - «Тико» автомобиллини болалар шифохонасига тўхфа этди

Бош соврин учун бўлган ҳал қилувчи учрашув чиндан-да қизгин ўтди. Уйинни ҳужумкорлик руҳида бошлаган З.Абдуллоев кетма-кет уч геймни ўз фойдасига ҳал қилган, рақибига ташаббусни бериб қўйди: 3:6. Иккинчи сетни ҳам кўтаринкилик билан ўтказган А.Зиётов вилоят

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилрова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адалди 14.000 нуска. Сотувда эркин нархда.
«Шарк» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти 22.00